

Бошқарувда очиқликни таъминлашнинг муҳим шарти

Ҳуқуқий эксперимент

Мавзуга оид тафсилот ва ҳулосани баён этишдан олдин шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ахборотлаштириш, маълумотлар базасининг очиқлиги ва мунтазам тўлдириб борилиши ҳамда фуқаро мурожаатларига нисбатан ҳозиржавоблик давлат идораси фаолиятида энг зарур тамойиллардан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг долзарб ҳаётий муаммоларини давлат томонидан ҳал этилишига йўналтирилган, бинобарин фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган бошқарув идораларидан бири — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидир. Шу боис давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент доирасида маъруза тизимида жорий этилаётган янгиликларга, фуқаро билан ўзаро мулоқотларнинг самарадорлигига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бошқарма томонидан ҳар битта мурожаатнинг қабул қилиниши ва ижро этилиши оралиғидаги муқаддатларга аниқ риоя этиш, назоратнинг мунтазамлигини таъминлаш, раҳбар ва унинг ўринбосарлари, бош мутахассисларнинг ҳуқуқий эксперимент доирасидаги фаолиятига оид ҳисоботларнинг ОАВ вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши ошқоралик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Зиммамиздаги энг салмоқли вазифалардан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлашда тарғиботнинг, маълумот тарқатишнинг аънанавий усуллари ҳисобланган меҳнат ярмаркалари, коллеж битирувчиларининг тақдимоти сингари амалларни сақлаб қолган ҳолда бўш иш ўринларини тақлиф этишнинг электрон саҳифаларидан ҳам кенг фойдаланаяпмиз, — дейди бошқарма Ахборот хизмати раҳбари Шодийр Киронов. — Шу йўл билан маълумотнинг масофавий тарқалиш имкониятлари кенгайиб, олис ҳудудларга ҳам етиб бормоқда. Иш

излашда танлаш имконияти кенгаймоқда. Шунинг баробарида иш берувчининг маълумот ҳаққонийлиги ҳақида масъулияти электрон тизим орқали назоратга олинмоқда. Шундай тартибни нафақат бошқарма, балки туманлардаги марказларимизда ҳам жорий этганмиз. Дарвоқе, бошқармада меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка оид ҳамда тизимдаги янгилик, ўзгаришларга алоқадор ҳар битта ахборот фуқароларга ўз вақтида етиб бориши учун зарурий чоралар ишга солинмоқда. Самарқанд шаҳрида ва вилоятнинг Жомбой, Тойлоқ туманларида фуқароларни ҳуқуқий эксперимент жараёнида амалга оширилётган ишлардан хабардор қилиб бориш мақсадида серкатнов кўчаларга электрон ёзув таблолари ўрнатилди. Бошқарма раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг вилоят "Зарафшон", "Самарқандский вестник" газеталари ҳамда СТВ телевидениеси орқали аҳоли билан бевосита мулоқотлари мунтазамлик касб этиб, ижтимоий соҳадаги тегишли муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, ҳал этишга ёрдам бераётгани ҳам эътирофга лойиқ.

Ҳуқуқий эксперимент амал қила бошлагандан буён ОАВда "Раҳбарга саволингиз борми?", "Меҳнат муҳофазаси — кечиктирилмайдиган иш", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишдан ким манфаатдор?", "Ходим 18 ёшга тўлмаган бўлса..." сингари ранг-баранг мавзуларда мулоқотлар уюштирилгани фикримизнинг тасдиғидир.



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

Хуррият ато этган ЭЪЗОЗ

Ватанимиз Мустақиллигининг ўтган шонли 22 йили давомида умумхалқ байрами мавқеини олган — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni олдидан айна Истиқлол йиллари касби-коридан қадр топиб, ҳурмат ва эъзозга эришган барча ўқитувчилар, мураббийлар кўз олдимиздан ўтади...

Ҳа, айна Мустақиллик йилларига келиб қадр топган бу заҳматкаш сиймолар сийратиде миллият келажаги учун тоғай хизмат қиладиган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор

комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидойи инсонларни кўрагимиз.



Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида чет тилларини ўргатиш бошланди. Болаларга тушунарли ва қизиқarli бўлиши учун машгулотлар ўйин тарзида ва оғзаки нутқ дарслари шаклида олиб боришмоқда. Бунинг пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 308-умумтаълим мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Жорий ўқув йилида 90 нафар ўғил-қиз ушбу мактабнинг биринчи синфларига қабул қилинди. Янги ўқув режасига асосан уларга инглиз тили ўқитилмоқда. Болақай-

лар бу сабоқларни кўргазмалли воситалар, интерфаол ўйинлар орқали ўрганмоқда. Бу жараёнда илғор педагогик усуллар, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Фазилат Одилова дарсларда ноанъанавий усуллардан самарали фойдаланади. Мавзуларни болаларнинг психологияси, қизиқишларидан келиб чиқиб танлайди. Ф.Одилова ишлаб чиққан "Домино", "Funny dictation" ("Қизиқarli диктант") ва "Луғат билан ишлаш папкаси" услублари самарасида болалар инглиз тилини қийналмасдан, катта қизиқиш билан ўрганаётир.

Чунки бу дарсда турли ўйинлар ўйнаймиз, инглизча гапиришни ўрганамиз. Ҳозиргача «hello», «goodbye», «father», «mother» деган сўзларни, яна мактабдаги ва уйдаги кўп нарсаларнинг инглизча номини билиб олдим. Бугун мўъжазгина партиларда ўтирган, бир-бирига навбат бермай хорижий тилларда сўзлашаётган болалар эртага жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб ҳаётга кириб келади. Чет эллардаги тенгдошлари билан эркин мулоқот қила олади. Замонавий билим ва касбларни пухта эгаллаб, мамлакатимиз тарққиётига хизмат қиладди.

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Infocom-2013



Ахборот технологиялари ҳафталиги

"Электрон ҳукумат" ривожига ҳисса қўшади 23-28 сентябрь кунлари юртимизда Infocom-2013 аънанавий АКТ ҳафталиги ўтказилмоқда. 2004 йилдан бошлаб ташкил этилаётган Ҳафталик доирасида ахборот технологиялари соҳасини такомиллаштиришга қаратилган Саммит, халқаро кўргазма ва тақдимотлар ўтказилиши режалаштирилган.



Аёлга эътибор — келажакка эҳтиром

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Аёлини ардоқлаган юрт ардоқлидир. Мазкур ҳикматнинг амалий ифодаси бугун ҳукумати-миз томонидан хотин-қизларнинг мавқеи, нуфузини янада ошириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган меъёрий ҳужжатларда яна бир бор ўз аксини топмоқда.

Бугунги аёл нафақат оила, жамият, юртдаги осойишта-ликни таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга шахс, балки у юртимиз шаънини халқаро миқёсда ҳимоя қилувчи, амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликларнинг фаол ишти-рокчиси ҳамдир. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сафида ана шундай хотин-қизлар кўпчиликини таш-кил қиладди. Муҳими, улар иш-тирокида ва ташаббускорлиги-

даги тадбирлар ишчанлик ру-ҳида ўтаётганлиги эътиборга молик.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" меҳмонхонасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент ша-ҳар Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Баркамол авлод тарбияси ва жамият ривожига аёлларнинг ўрни" мавзусидаги давра суҳ-бати хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.



Кимнинг қайиғи илдам?

Спорт

Самарқандда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ёшлар ўртасида XV Осиё чемпионатига старт берилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Осиё каноэ федерацияси президенти Шокин Норита, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга хотин-қизларнинг ролини оширишга қаратилган давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётини янада яхшилашга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланган ушбу давра суҳбатиде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, "Элима" аёллар уюшмаси, шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-ҳунар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари иштирок этди.

Вьетнам, Корея Республикаси, Хиндистон, Филиппин, Эрон, Япония, Қозоғистон сингари давлатлардан 450 нафар спортчи иштирок этмоқда. Мусобақанинг илк куниданоқ турли масофаларга сузишда юқори натижалар қайд этилмоқда.

З.ТўРАҚУЛОВ



Партия ҳаёти

ОИВ касаллигига қарши курашда қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда

Қонун ижодкорлиги

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бундан 14 йил муқаддам қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида мазкур касалликни даволашга, инфекция тарқалишига қарши курашни ташкил қилиш тизимига бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солидиган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурати юзага келди.

Хусусан, мамлакатимизда одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан тартибга солиниши, касаллик юктириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекцияни юктирганлиги учун жавобгарликни такомиллаштириш, инфекция тарқалишига қарши кураш фаолиятини олиб борувчи давлат идоралари ваколат ва вазифалари, бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига оид масалаларни қайта кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ва қуни-кеча Президентимиз томонидан имзоланган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аввалги қонундан сезиларли даражада фарқ қилади. Негизи, унда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш учун ҳуқуқий асослар янада кенгайтирилди.

Эски қонун ОИТС билан касалланишининг олдини олишга қаратилган бўлса, янги қонунда одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича муносабатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозир дунё миқёсида 34 миллион киши ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил ОИВ бўйича бўлиб ўтган мажлисида ҳам инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш ОИТС юқумли касаллигига қарши курашиш бўйича глобал чора-тадбирларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, шу боис мазкур юқумли касалликка қарши курашишга умумжаҳон миқёсида эътибор қаратилиши кераклиги қайд этилган.

сабатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

Янги қонунда ушбу масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

ёсат ягона тизим фаолиятини мувофиқлаштириш, касаллик тарқалишининг олдини олиш, тахсис кўйиш, ОИВни юктириб олганларнинг бепул махсус даволаниши ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг ОИВга бепул, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтишига шароит яратиш, ОИВни юктириб олганларнинг ҳаётини узайтириш ва сифатини яхшилаш, касаллик оқибатида содир бўладиган ўлим ҳолатларини камайтириш каби вазифаларни қамраб олади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозир дунё миқёсида 34 миллион киши ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил ОИВ бўйича бўлиб ўтган мажлисида ҳам инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш ОИТС юқумли касаллигига қарши курашиш бўйича глобал чора-тадбирларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, шу боис мазкур юқумли касалликка қарши курашишга умумжаҳон миқёсида эътибор қаратилиши кераклиги қайд этилган.

сабатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

Янги қонунда ушбу масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсатларни тартибга солиш зарурати кўриб чиқиш зарурати кўзда тутилди.

сида мазкур хавфли хасталикнинг тарқалишига қарши курашиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хасталикнинг олдини олиш усуллари, унинг келиб чиқиш омилларидан воқиф бўлиш, шубҳасиз, ижобий натижаларга олиб келади.

Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказларининг вазифа ҳамда ваколатлари мустахкамлаб кўйилмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатлар акс этган нормаларга ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, унда махсус даволашни бепул амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Қонуннинг алоҳида бўлимида ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам ўз аксини топаётти.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП бош мақсадларидан бири жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва фуқаролар учун муносиб, фаровон ҳаётни таъминлашдан иборатдир. Қолаверса, партия дастурида мамлакатимиз фуқаролари саломатлигини муҳофазаси қилишнинг мустахкам ҳуқуқий пойдеворини яратиш вазифаси энг долзарб масалалар қаторида ўрин олган. Шу нуктага назардан айтганда, ушбу қонун партия позициясига, электорат манфаатларига тўлиқ мос келади.

Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси



Аёлга эътибор — келажакка эҳтиром

Давоми. Бош 1-бетда

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва ҳар бир йилга ном бериш замирида ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳаётини, турмуш тарзини яхшилаш мақсади ётибди. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг саломатликлари ҳақида қайғуриш, маънан ва жисмонан баркамол авлодни воёга етказишдаги масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани беҳиз эмас. Жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мақеини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида фаолият юритиши ўзининг асосий вазифаси деб биладиган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бу борадаги фаолиятини янада жаддаллаштириш муҳим, — деб таъкидлади партия Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров.

Шундан сўнг Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Парманова ҳамда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова икки томонлама ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги меморандумга имзо чекиди.

Давра суҳбатда давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари мазву изасидан ўз фикр-мулохазаларини билдиришди.

Фарида Абдурахимова,
Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор:



— Сўнги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали, яъни айнан аёллар иштироки ва фаоллигида ўрта махсус касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, аёллар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ёшларни спортга йўналтириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, эрта никоҳ олдини олиш сингари долзарб масалаларни ҳал этиш борамида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, аёлларимизда юрт келажакга учун дахлдорлик

хисси юқори даражада эканлигини уларнинг фарзандлари, тарбияланувчилари, издошлари — ёшларнинг фикрлаш доираси тимсолида кўришимиз мумкин. Олайки, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси тегишли давлат ташкилотлари билан биргаликда шу кунларда пойтахтимиздаги олий ўқув юрталарида республиканинг олис ҳудудларидан келиб тахсил олаётган талабалар ўртасида «Мен таътилни қандай ўтказдим?» мавзусидаги маърузаларни тинглаб туриб, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсат ўз натижасини, мевасини бераётгани, ҳар томонлама баркамол авлод шаклланишининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, ёшларимизнинг бири ўз биз-не-лойихаларини амалда татиқ этиш учун ҳудудий тижорат банкларида олган имтиёзли кредитлари ёрдамида ҳам ўзи яшаб турган маҳалла аҳлига, ҳам оиласига нафис таъини таъкидласа, яна бошқалари ўз тенгдошлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилгани ва турли даражадаги спорт мусобақаларида иштирок этганини баён этганида юртимиз келажакги порлоқ эканлигига яна бир бора амин бўлдик. Уйлаймики, сиёсий майдонда ўзига хос ўринга эга бўлган «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз сафида ана шундай фидойий, интилуванч ёшлар, хотин-қизлар кўпайтиришга, уларни ўз дастурий гоғлари атрофида бирлаштириш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга муваффақ бўлади.

гидан бениҳоя гурурланамиз. Улар илм-фан равнақи йўлида бутун куч-ғайрати, ноёб истеъдодини намоеён этиб, Ватанимиз гуллаб-яшнаши, мустақиллигимизни мустахкамлаш, аждодларимиз аъноларини давом эттириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшиб кел-лимиздаги олий ўқув юрталарида республиканинг олис ҳудудларидан келиб тахсил олаётган талабалар ўртасида «Мен таътилни қандай ўтказдим?» мавзусидаги маърузаларни тинглаб туриб, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсат ўз натижасини, мевасини бераётгани, ҳар томонлама баркамол авлод шаклланишининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, ёшларимизнинг бири ўз биз-не-лойихаларини амалда татиқ этиш учун ҳудудий тижорат банкларида олган имтиёзли кредитлари ёрдамида ҳам ўзи яшаб турган маҳалла аҳлига, ҳам оиласига нафис таъини таъкидласа, яна бошқалари ўз тенгдошлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилгани ва турли даражадаги спорт мусобақаларида иштирок этганини баён этганида юртимиз келажакги порлоқ эканлигига яна бир бора амин бўлдик. Уйлаймики, сиёсий майдонда ўзига хос ўринга эга бўлган «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз сафида ана шундай фидойий, интилуванч ёшлар, хотин-қизлар кўпайтиришга, уларни ўз дастурий гоғлари атрофида бирлаштириш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга муваффақ бўлади.

Раъно Ҳайтбоева,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи муровини:



— Президентимиз ва ҳукумат томонидан чиқарилаётган тегишли қарор, фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳар ойнинг иккинчи ҳафталигида «Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсимир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида уларнинг хаами 377320 нафари, яъни 62,4 фоизи чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланганларининг деярли барчаси соғломлаштирилди.

Халқимизда касалликни даволагандан кўра, олдини олган маъкул, деган ҳикмат бор. Албатта, аёлларнинг ўз саломатликларига бефарқ бўлмасликларини тушунтириш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Бунис авлодлар баркамоллигига эришиб бўлмайди. Шу боис кўзланган мақсадга эришиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиши даркор.

Умид қиламики, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишда ўз гоғ ва тақлифлари билан иштирок этиб келаётган «Адолат» партиясининг жонқуяр ва ҳақиқий аъзолари билан бу борада ҳам бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб борамиз.

Тадбирда, шунингдек эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари хусусида фикр-мулохазалар билдирилди.

Аёл — баркамол авлод тарбияловчиси. Уни эъзозлаш, бутун бир авлодни эъзозлаш, келажак учун қайғурмок демокдир. Шу боис хотин-қизларнинг билимини юксалтириш, заковатини чархлаш, зеҳнини ошириш, саломатлиги ҳақида қайғуриш барчамизнинг фуқаролик бурчимизга айланishi лозим.

Саодат СОДИҚОВА,
«Адолат» мухбири

Депутатлик гуруҳлари

ролини кучайтириш — давр талаби

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси томонидан Термизда ўтказилган ана шу мавзудаги давра суҳбатида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги янги қонун лойихаси кенг муҳокама қилинди.

Ташкил этилган тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад парламент кўйи палатасида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган мазкур қонун лойихасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, авваламбор, электоратга етказиш ҳамда унинг нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф-тавсиялар тайёрлашдан иборатдир. Мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашлардаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари, жойлардаги партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал тизими яратилиб, айни пайтда изчил ривожланмоқда. Халқро андозаларга жавоб берадиган бу ҳужжатлар сиёсий партияларнинг кенг кўламли фаолият юритишини таъминлайдиган қонунчилик базасини мустахкамлашга хизмат қилди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида Конституциянинг айрим (78, 80, 93, 96 ва 98) моддалари, сайлов қонунчилиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентиға киритилган ўзгаришлар бу жараёнини янги босқичга кўтариш баробарида давлат қурилишида парламент ва сиёсий партияларнинг роли, уларнинг амалга оширилаётган ислохотлар тақдирини учун масъулиятини ҳам оширди.

Бироқ бугунги давр ва юзага келаятган шароит бундан

буён ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўрнини кучайтириб боришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик палатасидаги демократик блокка бирлашган фракциялар (Ўзбекистон «Адолат» СДП, О'зЛиДеР ва «Миллий тикланиш» ДП) аъзолари саналган бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан тайёрланган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойихаси айнан ана шундай эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари Раъно Гаимова, Умид Жуманиёзов, Ойша Ахунова ўтказган тадбирларда фракция аъзолари сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш, шу мақсадда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этишда партияларнинг таъсирини янада ошириш лозимлигини таъкидладилар.

— Амалдаги қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари кенгашларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисоди

дий вазифаларни ҳал этишдаги роли ва ўрни етарли даражада очиб берилмаган эди, — дейди парламент кўйи палатасидаги фракция аъзоси Р.Гаимова. — Муҳокама этилаётган янги қонун лойихасининг қабул қилиниши эса бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, сиёсий партияларнинг сайловчилар манфаатини ифодалашнинг янада самаралироқ механизмларини ишлаб чиқишни талаб этадиган ва тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислохотлар жараёни мазкур қонун лойихасини тайёрлаш заруратини юзага келтирди.

Унинг асосий мақсади маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришдан иборат. Хусусан, унда партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари аниқ кўрсатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдорини беш нафар этиб белгилаш тақлиф этиляпти. Партия гуруҳи ўз ташаббусига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ёки халқ депутатлари кенгашининг ваколатлари мuddати тугаганда, партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган миқдордан камайиб кетганда фаолиятини тугатиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг, жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ўз Сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаоллигини кучайтириш, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг маъсулиятини янада оширишга хизмат қилади.

— Адолатлилик гоғяси, барчанон қонун олдига тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» партиясидан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўна-

лишига айланиши даркорлиги партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган. Шундай экан, партиядан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари ўз электорати манфаатини янада самаралироқ ҳимоя қилишга ва уни ўйлантираётган масалаларни сессиялар кун тартибига дадил олиб чиқишни ўрганишлари керак. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойихасининг қабул қилиниши ана шундай имкониятини янада кенгайтириши билан аҳамиятлидир, — дейди О.Ахунова.

Кези келганда, жойларда партия депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти сезиларли даражада кучайганлиги, маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар, ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш сифат жиҳатдан юқори даражада кўтарилганлигини эътироф этиш жоиз. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият олиб бораётган «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари томонидан 2012 йил давомида партия депутатлик гуруҳлари йиғилишларида 1000 дан ортиқ масала ўрганилгани, давлат ташкилотларига 561 та депутатлик сўрови юборилганлиги давра суҳбатида таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашида фаолият олиб бораётган «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари томонидан 2012 йил давомида 30 дан ортиқ масала ўрганилган, давлат ташкилотларига 20 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Шунингдек, партия депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир турли муаммоларни ҳал этиш бўйича 41 та тақлиф киритилган бўлиб, шулардан 4 таси Сурхондарё вилоятда фаолият олиб бораётган «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари томонидан тақлиф қилинган.

Олия Тўхтаева,
«Адолат» мухбири

Раҳбар Муртазаева,
«Олима» аёллар уюмчаси раиси:



— Ўзбекистон Республикасининг давлат илмий-техникавий дастурларини бажаришга олима аёлларимизнинг иштироки ва қўшаётган ҳиссалари ҳам жуда катта. Жумладан, улар фан-техника тараққиётини жаддаллаштиришга, илм-фан ютуқларини халқ ҳўжжалигининг турли тармокларига жорий этишга кўмаклашадиган лойихаларни ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқдалар. Биз бугун Ўзбекистон хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан кўплаб заҳматқаш ва забардаст илм фидойилари борли-

Партия хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдор. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Олия Тўхтаева,
«Адолат» мухбири

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Хуррият ато этган эъзоз

Давоми. Боши 1-бетда

Уларнинг мақсади ҳам, маънаси ҳам, эзгу нияти-ю кувонч ва ташвиши ҳам битта: ўқувчилари онгига ўзи сочган уруғларнинг униб чиқиши, камоллини кўриши, кўз нури, қалб кўри, билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаш.

Хар биримиз кўлимизга дафтар-калам тутқазиб, хат-савадга ўргатган биринчи ўқитувчимизни бир умр эслаб юрамиз. Биринчи устоз мактабдан кейин ҳам шоғирдлар учун дўст-қадрдон, яқин маслаҳатчи бўлиб қолади, ундан сабоқ олган ўқувчилар эришаётган ютуқлар билан ҳаммиша фахрланиб юради.

Устоз-мураббийлар шоғирдларини нафақат хат-савадга, айтиб қолган одоб-ахлоққа, юксак инсоний фазилатларга, ишда, турмуш чорраҳаларида учрайдиган муаммоларни оқилона ҳал қилишга, қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга ўргатади. Чинакам устоз шоғирдлари илм-хунарда, танлаган касбида ўзидан ўтиб кетишини чин дилдан истади.

Богбон яхши ниятда кўчат экиб, уни йиллар давомида парвариш қилади. Бир кун у мева тугиб, ҳосил берса, захирали меҳнатлари зор кетмаганидан кўнгли тоғдек кўтарилади. Худди шундай, устоз-мураббийлар ҳам шоғирдлари камоллини кўриб, уларни тўғри тарбиялаганидан, турли нохуш йўллардан, гаразли ниятлардан сақлаганидан хурсанд бўлади. Донишмандлардан бири: "Мен умрим давомида дур-жавоҳир йиғмадим, бойлик орттирмадим, аммо булардан-да қимматли жавоҳирларим бор, улар — қобил шоғирдларим", деган экан. Яхши шоғирд ҳам "Мен фалончидан сабоқ олганман", деб устоз

ўғитларига амал қилади, ўзининг ҳам, устозининг ҳам номини улуғлайди.

Ўқитувчилар меҳнатининг ардоғи «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида белгиланган вазибаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши билан бошланди, десак муболага бўлмас. Бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш ва халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг маънавий юксаллиши учун мустаҳкам замин яратди. Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун ва дастур Ватанимизнинг маърифий тизими ривожига янги босқични бошлаб берди.

Уларда белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш жараёнида таълим сифати ва мазмунини ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув даргоҳларини бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер ва лаборатория техникаси билан ускуналашга алоҳида эътибор қаратилди. Айни кезде педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмлари яратиш, ўқитувчиларнинг меҳнати моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор, изланувчан, ташаббусдор ва фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибасини тарғиб этиш ва оммалаштириш масаласи давлатимизнинг муттасил диққат марказида бўлди. Мамлакатимизнинг ҳатто энг чека ҳудудларидаги мактаблар учун ҳам тенг ва муносиб таълим шароитини яратишга, улардаги таълим тизимини тўбора такомиллаштириш ва ўқитувчиларнинг умумли, самарали меҳнат қилишига, касб малакаси ва маҳоратини оширишга, ўзаро иш тажрибасини

алмашишига барча шароит ва имкониятларни муҳайё этишга бекиёс эътибор қаратилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ушбу тизимни янада такомиллаштириш, педагогларни моддий қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмни жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш жараёнида ўқитувчи масъулиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этди. Қарорга биноан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳолис ва ошқора механизми жорий этилиб, устама ва қўшимча ҳақ янада такомиллаштирилди. Ўқитувчилар меҳнати рағбатлантиришда қўшимча имтиёзлар яратилди. Мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва педагогик жамоанинг муаллимлар меҳнатини ҳолисона баҳолаш, рағбатлантириш билан боғлиқ ишлари қатнашиш ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Ўқитувчилар меҳнати эъзозлаш йўлидаги бундай кенг қўламли ибратли ишлар ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизимларида ҳам ўзининг ёрқин олдидини топмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори бундан яна бир ёрқин далили бўлди. Хужжатга мувофиқ тизимдаги ўқитувчилар, педагог-муҳандислар ва иш-лаб чиқариш таълими усталари меҳнати рағбатлантириш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўқув-тарбия

жараёнига шахсан ҳисса қўшган, ўқувчиларнинг касб-хунар кўникмаси ва билиминини ривожлантирган, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун ойлик устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ҳам таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ҳамда узлуksизлиқни таъминлаш, юқори салоҳиятли педагогларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга кўра ўқитувчилар лавозимлари каттегорияларини мақбуллаштириш, «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юрталари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган ҳиссаси, юқори натижадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устама-лар тизими кенг жорий этилаётган.

Дарвоқе, бугун барча соҳаларда бўлгани сингари таълим тизимини ҳам янги қарашлар, методик усуллар пайдо бўлмоқда. Улардан хабардор бўлиш ва амалда қўллаш ҳозирги кун ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир. Халқ таълими вазирлигига қарашли Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий

институтини ҳамда 14 та худудий педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, шунингдек, мактабга таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази айти шу мақсадда фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керак, Мактаб таълиминини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда педагогик ходимлар малакасини оширишнинг самарали тизими яратилди. Бунда таълим муассасаси бююртмасига асосан ўқитувчиларнинг тоифаси, стаж, касбий тайёрлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос равишда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилди. Натижада малака ошириш «Режали-мажбурий тизим»дан «Йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимга ўтказилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги беш йилдан уч йилга қисқартирилди.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётини янгилаш, янги бошқарув тизимини жорий этиш, халқимизнинг азалий қадриятлари, шаън-шавкати, тили ва дини, ғурур-ифтихорини жой-жойига қўйиш, ўтмиш тарихимизга оид сохта талқин ва айбловлардан қутулиш, буюк аллома аждодларимизнинг илмий, маънавий-маърифий меросидан баҳраманд бўлиш орқали янги авлодни, янги дунёқараш ва тафаккур эгаларини тарбиялаш бу даврнинг мураккаб, аммо бўлиш ва амалда қўллаш ҳозирги кун ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир. Халқ таълими вазирлигига қарашли Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий

Пойтахтимизда "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусидаги халқаро конференцияда узлуksиз таълим ва ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш борақаронинг сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиши, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил қилиш имконига эга бўлишини ёқлаган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси давлатимизнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Зеро, педагоглар партияимизнинг таянчи ва суянчларидан ҳисобланади.

Бугун шаънларига олқишлар битилаётган ўқитувчи, мураббий, устозларимиз, муаллимларимиз, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳаётларини Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлоднинг она юртва муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлида жонқуярлик қилаётган инсонлар — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган муқаррам зотлар сирасига киргусидир.

Ҳа, фидойи, жонқуяр ўқитувчиларимиз шу қадар эҳтиромга, иззат-икромга муносиб, уларнинг машаққатли меҳнатини баҳолашга дунё хазиналари камлик қилади. Биз бугун кўлимиз кўксимизда, уларни яна бир бор чин дилдан қўллаб қоламиз. Байрам муборак, азиз устозлар!

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодни вояга етказётган фи-

дойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўз дастурида ҳар бир фуқаронинг сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиши, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил қилиш имконига эга бўлишини ёқлаган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси давлатимизнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Зеро, педагоглар партияимизнинг таянчи ва суянчларидан ҳисобланади.

Бугун шаънларига олқишлар битилаётган ўқитувчи, мураббий, устозларимиз, муаллимларимиз, таъбир жоиз бўлса, ўз ҳаётларини Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлоднинг она юртва муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлида жонқуярлик қилаётган инсонлар — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган муқаррам зотлар сирасига киргусидир.

Ҳа, фидойи, жонқуяр ўқитувчиларимиз шу қадар эҳтиромга, иззат-икромга муносиб, уларнинг машаққатли меҳнатини баҳолашга дунё хазиналари камлик қилади. Биз бугун кўлимиз кўксимизда, уларни яна бир бор чин дилдан қўллаб қоламиз. Байрам муборак, азиз устозлар!

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси раҳбари

Таълим сифати ва самарадорлиги

навоийлик зиёлилар фаолиятининг асосий йўналишига айланмоқда

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Улкан бунёдкорлик натижасида барпо этилган замонавий ўқув иншоотлари ва яратилган шарт-шароитлар ёшларимизнинг пухта билим олиши, касб эгаллашига қўлай имкониятларни яратмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 2 та олий ўқув юрти, 47 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, 358 та умумтаълим мактаби, 114 та мактабгача таълим муассасаси, 11 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 2 та меҳрибонлик уйи, 3 та махсус-мактаб интернати, 9 та болалар мусика ва санъат мактаби, 15 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби самарали фаолият олиб бораётгани ҳам бундай эътиборнинг юксак самарасидир.


Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик, оилалар тотувлиги, фарзандлар камоллини кўриб қалбингиз яйрайди. Айниқса, таълим соҳасида ўзгаришларни айтмайсизми! Шундай экан, бугун ҳар бир устоз-мураббий бор куч ва имкониятларидан оқилона фойдаланишига ишончимиз қомил, — дейди қизилтепалик партияимиз жонқуяри, вилоят Кенгаши депутати, таълим фидойиси Зебо Мавлонова.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг эътибори, навоийлик зиёлиларнинг меҳнати ва истеъдодли ёшларнинг интилиши туфайли соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Жумладан, вилоят умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари умумжамоа ҳисобида шу йили би-

лиmlар беллашуви республика босқичида фахрли ўринларни қўлга киритгани, Навоий шаҳридаги 11-сонли давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби мамлакатимизнинг 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари ўртасида энг илғор ва намунали таълим маскани сифатида тан олингани, Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчилари орасидан Нигора Тўймуродова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлгани ва Жасур Аъзамов 47-Халқаро Меңделеев олимпиадаси гоғлиблгини қўлга киритгани, бир неча ўнлаб навоийлик ёшларнинг фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари республика босқичларида муваффақиятли иштироклари захирали касб эгаларининг хизматлари маҳсулидир.

Бугунги тараққиёт даврида соҳадаги муваффақиятлар гаровини вилоятдаги таълим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган 20 нафар фан доктори, 155 нафардан ортиқ фан номзоди, 575 нафардан ортиқ олий тоифали ўқитувчилар, шунинг билан бирга, бутун умрини келажак авлод таълим-тарбиясига бахшида этган 20411 нафардан ортиқ устоз-мураббийлар, ўз касбининг ҳақиқий фидойилари, жонқуяр ва олижаноб маърифат даргалари мисолида яққол кўришимиз мумкин.



Суратда: "Жасорат" медали соҳибаси, Навоий информатика ва электрон саннат касб-хунар коллежи биология фани ўқитувчиси Сайёра Шарипова.

САСЛОҢОВ (ЎзА) олган сурат

Яна шуни таъкидлаш лозимки, вилоятимиз зиёлилари нафақат мамлакатимиз таълим тарбиясини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, балки ихтимойи-сиёсий ҳаётда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, вилоят педагоглари сафида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Сенати аъзоси, 3 нафар халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва 7 нафар шахар ва туман Кенгашлари депутатлари ёшлар тарбияси ва демократик жамият барпо этиш йўлида самарали фаолият олиб бораётгани барчамизни мамнун этади.

Хар бир фидойи инсоннинг, шу жумладан, ўқитувчиларнинг меҳнати ҳаммиша давлатимиз эътиборидадир. Шунинг учун уларнинг фидокорона меҳнати ҳар доим овоз ва обод Ватанимизда юксак қадрланиб, доимий равишда ўз рағбатини то-

— Ўқитувчилик машаққатли касб бўлсада, ҳар гал синфга кирган чоғимда бутун олам кувончи ва ҳайрати, келажакдаги буюк орзулари кўзларида балқиб турган ўқувчиларининг "Ассолому алайкум" дейишларини эшитганимда барча чарчоқларим тарқаб кетди, — дейди Тошкент шахар, Ҳомза туманидаги 204-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Машхура Каримова.

— Энг қувонарлиси, биз ўқитувчилар учун ҳукуматимиз томонидан қўлай шароитлар яратилаётгани, давлатимиз бюджетининг каттагина қисми айнан баркамол авлод тарбиясига сарфланаётгани ҳар қанча фахрга аризуликдир. 25 йилки, шу мактабда ишлайман. Айни кезде мактаб хотин-қизлар кўмитаси раисиман.

Ҳа, бугун билимдон авлод вақилларини вояга етказиш масъулиятини зиммасига олган аҳди қатъий навоийлик маърифатпарварлар Ватанимизнинг шонли бугуни ва буюк эртанги кунини бунёд этиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Абдумажид ЖўРАЕВ,
«Адолат» мухбири

Қарздорлик туйғуси

ҳақида бошланғич синф ўқитувчисининг дил сўзлари

Мурғак қалби ҳаққириб, биринчи синфга кириб келган боланинг жажжи қўлларига қалам тутқазиб, харф ўргатиш, улгайиб боргани сари фан сирлари билан ошно қилишда мактабимизнинг 70 нафар тажрибали ўқитувчи ва мураббийлари хизмати бекиёс. Барчамиз ҳамжиҳатликда мактабимиз директори Каромат Аҳаева раҳбарлигида 1478 нафар ўғил-қизга таълим бераёғимиз. Уларнинг ҳар бири муваффақиятидан ўзларидан ҳам биз кўпроқ қувонаемиз. Зеро, устозлар бахти — шоғирдлар камоллини кўришда. Масалан, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида бундан тўрт-беш йил илгари ўзим таълим берган ўғил-қизлар шахар босқичида гоғлиб чиқиб, республика босқичида муваффақиятли иштирок этганларидан қанчалар севинганимни кўрсангиз эди.

Одамзод ҳаммиша умид ва

орзу билан яшайди. Истиқлол йилларида юртимиз таълим тизимини амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, халқимизнинг эзгу интилиши баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зотан, фарзандлари баркамол юрт ҳаммиша қудратли бўлади.

Биз бу йўлда уларга илм-фан ва касб-хунар асослари билан бирга, айнан ана шундай юксак туйғу ҳамда фазилатни синдириш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб-авайлашда бундан буён ҳам бор куч-гайратимиз, билим ва маҳоратимизни асмайимиз. Ҳар бир инсон ўз ўқитувчиси ва мураббийси — устози олдида бир умр қарздорлик туйғуси билан яшагандек, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам ўз ўқувчилари, ёш авлод олдида қарздорлик туйғуси билан яшайди.

«Adolat» мухбири
Ғулом ХИДИРОВ ёзиб олди.



Партия ҳаёти

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Сўзи билан иши бир

Маҳаллий кенгашларда

Бугунги кунда энергия тежамкорлигига эришиш, экологик тоза, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш қўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис дунёда иқтисодийнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки энергиянинг муқобил турларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мамлакат тараққиётига ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Республикада ҳам энергияни тежаш ва муқобил энергиянинг самарали тизимини жорий этишга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги «Торарик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 400 гектар ер майдони ажратилиб, қуёш электр станциясини барпо этишга қаратилган лойиҳа ишлар бажарилмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур иншоот ишга туширилгач, йилга 192 миллион кубометр табиий газни тежаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса дастлаб 25 нафар, кейинчалик 100 нафардан зиёд кишининг иш билан бандлигини таъминлайди.


Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу иншоот ишга тушганда экологик самара бериш билан бирга, аҳолини ижтимоий ва иқтисодий ғимоялашда асосий омиллардан бири бўлади. Мамлакатимизда йилнинг 300 кундан зиёди

қуёшли бўлиши бу янги иншоотни мунтазам ишлашига ва энергия тежамкорлигини оширишга имкон беради.

Шу ўринда партиямиз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, муқобил энергияни ривожлантириш масаласини устувор вазифа деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ўз таркибидagi ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларини ривож топтириш учун ҳамиша излашда эканлиги эътиборга молик.

Хусусан, партиянинг Ургут туман кенгаши раиси ва маҳаллий депутат Р.Эсонов ташаббуси билан жорий йилнинг 1 июль кунини халқ депутатлари Ургут туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилган «Муқобил энергиядан оқилона фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортқича ифлослашишдан муҳофаза қилиш» тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, туман ҳокимлигининг қарори билан тасдиқлангани фикримиз исботидир. Амалий ишлар натижаси ўлароқ, яқинда Ургут тумани ҳудудидagi Қоратепа қишлоғида партиямиз фаоллари кўма-

«адолатчи»лар



ги билан шу қишлоқ фуқароси Зоҳида Элмуродованинг уйига 1500 вт қувватли қуёш батареяси ўрнатилди. Мазкур янгилик туман аҳолисининг мулкдорлиги қарори билан қизил қишини янада ошириб юборди.

— Мендек бир чекка қишлоқ аёлига кўрсатилган эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Ургут туман кенгаши аъзоси Зоҳида Элмуродова. — Бундай қуёш қурилмалари ҳақида эшитган эдим-у, лекин тасаввурга ҳам эга бўлмаган бу янгилик мени жуда қувонтирди. Уйимизга ушбу қурилманга ўрнатилган бевоқиф кўмакдош бўлган партия фаолларига миннатдорчилик билдираман ва ўзим

ҳам сўзи билан иши бир бўлган «Адолат» СДП аъзоси эканлигимдан мамнунман.

— Мен бир неча йиллардан буён «Адолат» газетасини ўқиб, партиянинг фаолияти ҳақида мунтазам хабардор бўлиб келаман, — дейди Ургут туманидаги еттита МФИни бирлаштирган «Қоратепа» ҚФЙ раиси Мурод Раҳмонов. — Маҳалладошимизнинг хонадонига қуёш батареясини ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатган «Адолат» партиясининг Устави ва Дастури билан яқиндан танишиб, ушбу партияга аъзо бўлдим. Чунки партиянинг ҳозиржавоблиги ва инсонпарварлиги мени «адолатчи»лар сафига қўшилишга ундади.

Бир сўз билан айтганда, партиямиз дастурий гоғларидан бири бўлган муқобил энергия манбаларини ривожлантириш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётганлиги, қолаверса, минтақамизда ягона бўлган қуёш электр станциясининг айнан Самарқанд вилоятида бунёд этилаётгани ҳудуд аҳолисининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Вилоят партия Кенгашимиз фаоллари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг ҳам муқобил энергетика манбаларини кенг тарғиб этиш йўлидаги излашилари ҳамда амалий саъй-ҳаракатлари соҳа ривожига ҳисса бўлиб қўшилаётгани партиямизнинг ҳаётбахш ва халқчил гоғларига фуқароларнинг ишончи орттишига хизмат қилмоқда.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот котиби

Семинар-тренинг

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши фаоллари мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат ташкилотларига яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиш, жойларда дастурий гоғ ва мақсадларимиз доирасида ижтимоий адолат, эркинлик ва бирдамлик тантанаси учун ҳаракат қилаётган қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, ҳаётга кенг жорий этмоқда.

Қуйи бўғин фаолияти самарадорлиги нимага боғлиқ?

Хусусан, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда партия маҳаллий ва бошланғич ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «Сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятининг самарали йўлларини аниқлаш, электротатни жалб этишининг янги ва самарали шакллари қўллаш» ва «Сиёсий партиялар бошланғич ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш» мавзуларида партия фаоллари учун семинар-тренинглари ўтказилди.

— Ҳар бир сиёсий қатлам ёки ҳаракатнинг асосий бўғини бўлгани каби, БППлар партиямиз негизини ташкил этади, — деди Навоий вилояти партия Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Баҳриддин Курбонов. — Чунки улар кенг халқ оmmasи орасига чуқур кириб бориб, партия гоғларини бевосита тарғиб этади. Партиямизнинг халқчил ва ҳаётбахш гоғлари орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришда, аҳоли орасида партиямиз обрў-эътиборини оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни бекиёсидир.

ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлими катта мутахассиси А.Р. ўзқуллов аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашда иштирок этиш, меҳнат шароитларини ўрганиш, назорат органларига тақлифлар киритиш борасида партия депутатлик гуруҳлари билан изчил ҳам-

корлик йўлга қўйилганлигини таъкидлади.

Кайд этиш жоизки, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда қуйи ташкилотларнинг кадрлар захирасини ёш, қобилиятини ва замонавий фикрлайдиган фаоллар билан мустаҳкамлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, бошланғич ташкилотлар аъзолари ва фаолларининг сиёсий билимини ошириш маҳаллий кенгашлар учун муҳим зарурат ҳисобланади. Зеро, қуйи бўғинлар фаоллари аҳоли билан ишлашнинг замонавий шакллари ва уларнинг амалий қўлланиши борасида қанчалик чуқур билим-кўникмаларга эга бўлса, аҳоли орасида ўтказиладиган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлиги шунчалик қучли бўлади.

— Вилоятимиздаги корхона ва ташкилотларда тарғибот тадбирларини уюштириш, аъзоларимиз сонини кўпайтириш ҳамда янги бошланғич ташкилотлар тузишга муҳим эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари С.Мансурова. — Айни пайтда ҳудуддаги sanoat корхоналари, ташкилот ва муассасаларда юзлаб хайрихоҳларимиз фаолият юритмоқда ва улар сафини кенгайтириш, бир мақсад йўлида уюштириш олдимиздаги асосий вазифа саналади.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот котиби

Ишончни оқлаш йўлида

Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Уйчи туман кенгаши депутати Маъсумхон Холмирзаевнинг халқ депутатлари туман кенгашига сайланганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, амалий ташаббуслари, жонкуяр ва фидойилиги туфайли уни нафақат ўзи сайланган 23-Файзобод сайлов округи аҳолиси, балки бутун туманда яхши танишади.

Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган депутатимиз ҳозирда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимига раҳбарлик қилиш баробарида халқ депутатлари туман кенгашидаги Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси ҳамдир.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Уйчи туман кенгашидаги партиямиз депутатлари озчиликни ташкил этишига қарамасдан, кун тартибидagi ҳар бир масала юзасидан сессияларда мулоҳазаларини билдиришга, ўз зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, эл-юрт ишончини оқлашга, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиб, ўзларини тўлақонли намоён этишга интиладилар.

Маъсумхон Холмирзаев депутат сифатида ўз сайлов округи ҳудудига изчил иш олиб бормоқда. Округ ҳудудига етти минг саккиз юз нафардан ортқ фуқаро яшайди. Аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Сайловчилар билан учрашувларда бошқа масалалар қатори партиямизнинг дастурий мақсадлари ҳақида сўз юритадиган депутатимиз жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий

билимларини ошириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратади.

Депутат иштирокида жорий йилнинг шу даврига қадар сайловчилар билан ўн мартаба учрашув ўтказилди. Айниқса, «Еркатай» қишлоқ фуқаролар йиғини, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан ташкил этилган мулоқотлар қизилқарни ва таъсирчан бўлди.

Албатта, учрашувларда турли ижтимоий-маиший масалалар, ҳудудни ривожлантириш истиқболлари, янги иш ўринлари яратиш, коммунал хизматларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам кўтарилди. Сайловчилар билан учрашувларда М.Холмирзаев одатда ўз фаолияти ҳақида ҳисоб бериш баробарида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни ёзиб олади. Сўнгра уларни ўзи раҳбарлик қилаётган доимий комиссияда, зарур ҳолатда халқ депутатлари туман кенгашида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига ҳаракат қилади.

Масалан, учрашувлардан биринчи сайлов округи ҳудудидagi «Файзобод», «Еркатай», «Гумбаз» маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўчаларнинг таъмирлиги масаласи кун тартибига қўйилди. Асосан кўчатлар таъминоти қийинчилик туғдираётган экан. Туман ҳокимлиги орқали беш минг тупга яқин мевали ва манзарали да-

рахт ниҳолларини етказиб бериш масаласи ҳал этилди. Фаоллар, маҳаллий тадбиркорлар ёрдамида уларга ҳақ тўлаш, парвартиш қилиш чоралари ҳам кўрилди. Кузги кўчат экиш мавсумида ҳам бу хайри ишни давом эттиришга қелишиб олинди.

Сайлов округи ҳудудига «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда «Файзобод» МФИда маҳалла фаоллари ёрдамида аҳолининг турмуш шароити ўрганилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқароларга кўрсатилаётган ёрдамнинг аҳоли таҳлил этилди. Оқибатда бир қатор ижобий ишлар қайд этилгани ҳолда, ҳали олдинда анча вазифалар ҳам турганлиги аён бўлди. Айни пайтда уларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, депутатларимиз ташаббуси билан яқинда туманда аҳолини электр қуввати ва газ билан таъминлаш, коммунал тўловларнинг қандай йўлга қўйилганлиги доимий комиссия томонидан ўрганиб чиқилди. Бунинг учун депутатлар томонидан ушбу ҳолатни кўриб чиқиш мақсадида олдидан пухта саволнома тузилди. Кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Айниқса, истеъмолчилар ўртасида сўровлар ўтказилгани кўп нарсага ойдин-

лик киритди. Пировард натижада, аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳар икки йўналишида бирмунча ижобий ўзгаришлар рўй берди, айрим камчиликлар эса барҳам топди.

Ёки депутатлик сўровларини олайлик. Ўтган йилда Маъсумхон Холмирзаев бир гуруҳ сайловчиларнинг мурожаатлари асосида «Микрокредитбанк» ОАТБнинг амалиёт бўлими раҳбариятига Уйчи минибанкида кичик бизнесни йўлга қўйиш учун етарли миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилмаётгани ҳақида сўров йўллаганди. Маълум муддат ўтгач, беш нафар фуқаронинг аризаси қондирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг элик баравари миқдорда кредитлар берилганлиги тўғрисида маълумот олинди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Муҳими, депутатларимиз кенгаш фаолиятида ҳам, доимий комиссия фаолиятини йўлга қўйишда ҳам ибрат бўлаётганликларидир. Бу билан «Адолат» социал-демократик партиясининг обрў-эътиборини оширишга, унинг Сайловолди дастурида олға сурилган вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Партиянинг бош мақсади ҳам шу аслида.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

...«Адолат» социал-демократик партиясининг кучли депутатлик корпусини шакллантириши мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида мустаҳкамланган имкониятларни тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастуридан)



Спортга эътибор

ёшларнинг соғлом ва баркамол вояга етишида муҳим ўрин тутмоқда

Республикада спортни ривожлантиришга, айниқса, аёллар спортига эътибор юқори. Жойларда ташкил этилган спорт тўғрисидаги мажмуалари келажакимиз эгаларининг жисмонан соғлом бўлиб улғайишларига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Андижон вилоятидаги қатор маҳаллалар ва таълим муассасаларида ташкил этилган спорт тўғрисидаги катнашчиларнинг сафи кенгайиб бораётганини айтиб ўтмоқ лозим. Бунинг натижасида андижонлик спортчиларнинг халқаро майдонларда катта ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида эътироф этса арзийди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолларидан бири Гўзалхон Тешиқова ташаббуси билан Андижон туманидаги 13-сонли умумтаълим мактабидa ҳам ўқувчи қизларни спортга қизиқтириш алоҳида эътиборда. Спорт мураббийси Гўзалхон Тешиқованинг бу борада олиб

бораётган ишлари мактаб жамоаси ва ота-оналарга ҳам манзур бўлмоқда. Гўзалхон ёшлиқдан спортга меҳр қўйган. У 1991 йили Андижон давлат университети (собиқ Андижон давлат педагогика институтини) тамомлагач, ёшлар спорт сирларини ўргатишга киришди. 1997 йилдан буён 13-мактабда ёш спортчиларни тарбияламоқда. Айни вақтда Андижон шаҳар 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидa баскетбол мураббийси вазифасида ҳам ишлаб келмоқда.

— Юртбошимиз томонидан қизларимизни соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи асосий вазифа

қилиб қўйилмоқда. Бу ўз-ўзидан ҳар бир ўсиб келаётган қизларимизни бирон бир спорт тури билан шуғулланишга ундайди, — дейди Г.Тешиқова. — Қишлоқ жойларда буни амалга ошириш илгарилари анча қийин эди. Бугун ёшларимиз ҳам, ота-оналар ҳам спортнинг инсон саломамлиги йўлида тутган ўрнини тушуниб етмоқда. Мактабимизда дарсдан сўнг бир неча спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизлар ўртасида баскетбол жуда оммалашган.

Чиндан ҳам мазкур мактабнинг баскетболчи қизлари туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда голибликни қўлга киритмоқда. Гулнозахон Исмоилова, Шахнозахон Собирова каби муваффақ баскетболчи қизлар Андижон спортининг умидли ёшларига айланган.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот котиби

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Озод ва ҳур, келажаги буюк, истиқболи порлоқ
юртимизнинг барча фидойи ва заҳматкаш
ўқитувчиларини, устоз мураббийларини
қувончли шодиёна — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
билан қизгин қутлайди!





Сиз азиз устозларга келажагимиз эгалари —
ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол
инсонлар этиб тарбиялашдек шарафли ва
масъулиятли ишларингизда
улкан ютуқлар тилайди.

ХОНАДОНИМИЗ ТИНЧ,

ҲАЁТИНГИЗ ҲАМИША

ФАРОВОН БЎЛСИН!



Фаолият

Бошқарувда очиқликни таъминлашнинг муҳим шарти

Давоми. Боши 1-бетда

— Ҳуқуқий эксперимент бошлангандан буён фуқаролардан 170 тадан ортиқ мурожаат келиб тушди, — дейди бошқарма раисининг ўринбосари Бекзод Раҳматуллаев. — Ана шу таклиф ва мурожаат-

Дарвоқе, мурожаат асосида Нуробод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарининг ҳисоботи эшитилиб, танқидий баҳоланганини эслатмоқ жоиздир. Кенг жамоатчилик, матбуот ходимлари иштирокидаги ҳисоб-

ботдан сўнг марказ раҳбар кадрлари таркибида зарур ўзгариш ясалди. Фаолиятда очиқликни таъминлаш мақсадида бундай ҳисоботлар ҳар ой иккита туман микёсида кўриб чиқилмоқда. Ҳисобот натижалари бошқарманинг веб-сайтида жойлаштирилмоқда, матбуотда эълон қилинмоқда. Хабардорликни кенг микёсда таъминлашдан мақсад фуқароларнинг ўз мурожаатлари ижросини назорат қилишларига имкон яратиш, қонун лойиҳасини жамият манфаатларига хизмат қилиши учун такомиллаштиришдан иборат.

Зоҳир Тўрақулов, «Adolat» муҳбири



ларни ҳозиржавоблик билан синчиклаб ўрганиш асосида фуқароларга қонун доирасида тегишли жавоблар қайтарилди. Шунинг баробарида бошқарма ва унинг туманлардаги марказлари фаолиятини ташкил этишдаги камчилик-нуқсонларни аниқлаб, зарур ҳулосалар чиқариб олди.

Маркировкага эътибор беринг

Солиқ почтасидан

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини янада ошириш, юқори сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашиш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб кириши такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори катта аҳамият касб этади.

Мазкур қарорда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2013 йил 1 июлдан бошлаб давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, фақат товарнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматида кирувчи истеъмол упаковкисига (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилиниши белгилаб қўйилган.

Қарорда 2013 йил 1 июлдан бошлаб «вақтинча сақлаш» божхона режимига жойлаштирилган ва 2013 йил 1 июлдан кейин эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши, 2013 йил 1 июлдан 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, қарорда мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкинлиги кўрсатилган.

сифатида қаралиши таъкидланган.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилишга доир талаблар аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган, жумладан, юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва jisмоний шахслар томонидан ўз ахтиёжлари учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган истеъмол товарларига, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг ушбу ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан расмий тарзда (хизмат доирасида) фойдаланиш учун, шунингдек, уларнинг ходимлари учун олиб кириладиган истеъмол товарларига ҳамда кўргазма намуналари, синавлар, тадқиқотлар ва маркетинг учун намуна сифатида олиб кириладиган истеъмол товарларига татбиқ этилмайди.


Товар маркировкасида ва истеъмолчи учун фойдаланишга доир илова ҳужжатларидаги ахборот, товарнинг тури ва техник жиҳатдан мураккаблигига қараб, бевосита муайян товарга матн кўринишидаги ҳужжат (паспорт, формуляр, қўллаш учун кўрсатма ва бошқалар) сифатида илова қилиниши керак.

Камолитдин ИБРАГИМОВ, Тошкент шаҳар Яққасоров туман ДСИ бўлим бошлиғи

Давоми. Боши 1-бетда

2008 йилдан буён тадбир ташкилотчилари томонидан “Ахборот технологиялари — ёшларга” хайрия лойиҳаси амалга оширилиб, унда ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналардан иборат ҳимийлар бир қатор таълим муассасаларига замонавий компьютер ҳамда таълим жараёнида фойдаланиш учун ахборот технологияларини топширади. Жорий йил ушбу лойиҳа Жиззах вилояти Ахборот технологиялари касбхона коллежида амалга оширилди. Коллежга 18 сентябрь куни 15 дон компьютер, кўп функцияли кўчириш қурilmаси ва проектор тантанали равишда топширилди.

Ҳафталик доирасида 23 сентябрь куни “Ёшлар ижодиёти саройи”да турли ташкилот ва муассаса, хусусан, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслар маркази, UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташаббуси билан интернет тармоғининг Миллий UZ ҳудудида яратилаётган энг яхши веб-ресурсларни кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, қўллаб-қувватлаш, интернет тармоғини миллий рудҳага мазмун-моҳият билан бойитиш, ўзбек ти-



лидаги веб-сайтлар сонини ошириш мақсадида ўтказилган интернет-фестиваль якунлари эълон қилинди.

Танловда иштирок этган веб-сайтлар орасидан 10 та йўналишлар бўйича ғолиблар танлаб олинди. Жумладан, бу йилги танловда энг йўналиш, яъни “Электрон тижорат” номинацияси киритилган бўлиб,

Ахборот технологиялари ҳафталиги

“Электрон ҳукумат” ривожига ҳисса қўшади



бунда интернет орқали самарали тижорат юритган веб-сайтлар иштирок этди.

да иштирок этиш учун 451 та веб-сайт рўйхатдан ўтказилган бўлиб, “Энг яхши давлат бошқаруви ва ҳукумат портали” (1-ўрин minzdrav.uz, 2-customz.uz, 3-my.gov.uz), “Хизмат кўрсатиш тармоғидаги энг яхши сайт” (1-e-kommunal.uz, 2-id.uz, 3-goldenpages.uz), “Энг яхши корпоратив жамоа сайти” (1-ipotekabank.uz, 2-lukoil-overseas.uz, 3-brandbox.uz), “Энг яхши OAB сайти” (1-mezop.uz, 2-uz.uz, 3-kup.uz) ва шу каби бошқа номинацияларда мукофотлар топширилди.

Бу каби танлов, тадбирлар миллий дастур ишлаб чиқувчиларнинг фаолиятини ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва миллий интернет тармоғини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматов АКТ ҳафталигининг илк кунинида ташкил этилган матбуот аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатларда қанчалик муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди. Фестивал-

да иштирок этиш учун 451 та веб-сайт рўйхатдан ўтказилган бўлиб, “Энг яхши давлат бошқаруви ва ҳукумат портали” (1-ўрин minzdrav.uz, 2-customz.uz, 3-my.gov.uz), “Хизмат кўрсатиш тармоғидаги энг яхши сайт” (1-e-kommunal.uz, 2-id.uz, 3-goldenpages.uz), “Энг яхши корпоратив жамоа сайти” (1-ipotekabank.uz, 2-lukoil-overseas.uz, 3-brandbox.uz), “Энг яхши OAB сайти” (1-mezop.uz, 2-uz.uz, 3-kup.uz) ва шу каби бошқа номинацияларда мукофотлар топширилди.

Бу каби танлов, тадбирлар миллий дастур ишлаб чиқувчиларнинг фаолиятини ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва миллий интернет тармоғини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматов АКТ ҳафталигининг илк кунинида ташкил этилган матбуот аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатларда қанчалик муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди. Фестивал-

маъруза, тавсия ва таклифлар бериладиган ҳамда муҳокама қилинадиган тадбир — АКТ Саммитида тўрт муҳим йўналиш: “Давлат секторидан АКТ-дан фойдаланиш”, “Технологиялар, ишланмалар ва ечимлар”, “Интернет ва ахборот манбалари”, “Ахборот-кутубхона технологиялари” тармоғига оид мавзуларда 57 нафар мутахассисларнинг маърузалари асосида яқин келажақда ушбу соҳани жаҳон андозаси даражасига олиб чиқиш режалаштирилмоқда. Саммитда Корея Республикаси, Германия, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон каби давлат вакиллари иштирок этади.

Ушбу етти кунликнинг энг муҳим воқеликларидан бири ISTEPRO 2013 — уч кунлик миллий ахборот технологиялари кўргазмаси, ҳисобланиб, ушбу халқаро кўргазма бир вақтнинг ўзида Тошкент ва Жиззах шаҳарларида ўтказилмоқда.

Кўргазма икки шаҳарда ўтказилишидан мақсад — АКТ-дан фойдаланиш бўйича эришилаётган ютуқларни намойён қилиш, у ерда ўрнатилган ви-

деоқўприк орқали тадбирга ташриф буюрувчилар реал вақт режимида бир йўла икки кўргазмада намойиш қилинаётган технологиялар билан танишиш имкониятини яратишдир.

ISTEXPO 2013 кўргазмасида республикада ахборот технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар, замонавий технология ва ишланмалар намойиш этилмоқда. Тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек компьютер техникасини йиғувчи корхоналар, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар, провайдерлар, IT-компаниялар дилерлари, телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчилар ва бошқа муассасалар ўз стендлари билан иштирок этишмоқда.

Ҳафталикнинг яна бир диққатга сазовор тадбири — жорий йилнинг 27 сентябрь куни АКТ ривожланишини қонуний тартибга солиш мавзусидаги халқаро семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташаббуси билан “Пойтахт” савдо марказида ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу семинарда ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш бўйича хизмат кўрсатаётган муассасалар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, ахборотлаштириш манбаларидан фойдаланган ҳолда сиёсий бошқарувда самарадорликка эришиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, тадбирда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ҳам белгиланган.

С.ЖАББОРОВА

Олисларга учирилган оппоқ қушлар

Адолат тарозиси

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, муҳим тамойилларидан биридир. Конституциямизнинг 13-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асослангани, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши эътироф этилган.

Бироқ ҳаётда инсон шаънига дахл қилиб, ўзгаларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришдан тап тортмайдиган кимсаларнинг борлиги гоётада ачинарлидир. Қуйида ана шундай тубан йўллар билан мўмай даромад орттиришга уринган кимсаларнинг кирдикорлари хусусида ҳикоя қиламиз.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Дилобар Жалилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 49 ёшни қоралаган, оилали, бир нафар фарзанднинг онаси. Салкам ярим аср билан юзлашган бу аёл инсонга бир бор бериладиган умр мазмунини ҳалол меҳнатдан излаш ўрнига жиний йўл билан кучиришни афзал билди. Бироқ бу қинғирлик тез орада фош этилиб, Д.Жалилова Жиний кодекснинг 168-моддаси (фирибгарлик) билан айбонли, деб топилди ва жиний жавобгарликка тортилди. Таассуфки, у ўзининг хатосидан тегишли ҳулоса чиқариб, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига яна жиний кўна-

сига бош суқди. Аниқроқ айтганда, Д.Жалилова бир гуруҳ шахслар билан жиний тил бириктирган ҳолда хотин-қизларни Туркия давлатида ишлаб, мўмай пул топишга қизиқтириш орқали уларни ўзга юртларга сотиб юбориш режасини тузади.

Хусусан, “Беруний” метро бекати ёнида ширинликлар савдоси билан шуғулланувчи Нилуфар Қурбоновани ўзининг қабих тузоғига илтириш мақсадида у билан яқиндан танишиб олади. Кейинги учрашувида уни тўғрига илтирилади:

— Шундай эгчиллигинг, хушмуомалигинг, чиройинг билан чет элда ойига 1000 АҚШ долларидан маош олиб бойиб кетишинг мумкин. Агар истасанг, ўзим ёрдам берман.

Бу таклиф Нилуфарга ҳам маъқул келгач, сафар учун кераклик барча харажатлар “саҳий ҳимий” — Дилобар томонидан амалга оширилади. Ўғилчасини онасига қолдирган



Нилуфар Дилобарнинг укаси Мақсуд кўмағида Қозоғистон Республикаси орқали Туркия давлатига юборилади. Бу хорижий давлатда уни Дилобарнинг жиний шериги — Моҳира исмли аёл кутиб олади. Моҳира Дилобарга уй-йўл билан таъминлашини, ижара ҳақидан ташқари 6000 АҚШ доллари ишлаб берса, қолгани ўзига қоллишини тушунтириб, уни шахсий ишларни бажаришга ундайди. Натижада, не-не орзу-умидлар билан хорижий давлатга иш ахтариб келган Нилуфар одам савдосининг қурбонига айланганини англаб этади...

Яна бир мисол. Бўкалик Қумри Алимовнинг кирдикорлари ҳам Дилобарниқидан қолишмайди. Қ.Алимова тўрт нафар фарзанднинг онаси, оилали аёл бўла туриб, эгрилик этагини тутди. Бунга унинг ўпқондек нафис сабаб бўлди. У ўзининг қабих мақсадларини амалга оширишда ёлғиз эмасди, оққўрғонлик Мадина Зиёдова ва унинг ўғли Жавҳар Зиёдов билан уюшган жиний гуруҳга бирлашиб, режа асосида ўзаро вазифаларни тақсимлаб олишади. Уюшган гуруҳ томонидан тузилган жиний режага асосан, Қумри Алимова ёш қизларни алдов йўли билан мўмай даромад топишга қизиқтириб, уларни тўплаб, Мадина Зиёдовага топшириши, М.Зиёдова эса хорижга чиқиш учун муайян ҳуқуқ берувчи ҳужжатларни қалбақлаштириб, Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига олиб бориши лозим эди. Дубайда Ж.Зиётов уларни кутиб олиб, шахсий ишларни бажариш учун бегона кимсаларга сотиши ва топилган даромад ўртада тақсимлашини белгиланган эди.

Шунга кўра, Қ.Алимова Бўка туманида яшовчи Ф.Малиқованинг ҳали ўн тўрт ёшга тўлмаган, вояга етмаган қизи Дилдорани Тошкентда турадиган синглисининг дўконидан сотувчилик қилишга ва яхши маош тўлашга кўндирди. Қ.Алимованинг алдовларига учган она ўз қизини жиний шерикларнинг қўлига топширади. М.Зиёдова эса қалбақи ҳужжат ва ноқонуний йўллар орқали Дилдорани Тошкентга эмас, ўзла-

ри режалаштиришгандек БААнинг Дубай шаҳрига жўнатади. Дилдорани кутиб олган Ж.Зиёдов ёш қизни шахсий мақсадларда ишлаб пул топишга мажбурлайди. Вояга етмаган, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Дилдора ўзга юртларда кул каби сотилган етмагандек, жирканч ишларни бажаришга мажбур этилади...

Қ.Алимовнинг “саъй-ҳаракати” билан Дубай шаҳрига келиб қолган фақат Дилдора эмасди. Бўкалик Д.Мадамино ва Г.Умирова, тўйтапаллик З.Боқиева, олмалиқлик Н.Абдиевалар ҳам одам савдоси қурбонига айландилар...

Гувоҳи бўлганингиз — одам савдосидек жиний қилмишини содир этган кимсалар бугун қонун олдида ўз қилмишлари учун жавоб берди, уларга нисбатан қонуний жазо қўлланилди.

Бироқ масаланинг яна бир жиҳати кишини ўйга толдиради. Айрим юртдошларимиздаги ишонувчанлик, лоқайдлик, ўйламай қадам босишлари ҳам ушбу трансмиллий жиноятнинг урчишига сабаб бўлмоқда. Зеро, ҳар бир инсон ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай молу давлатдан, ўткинчи ҳоҳушлардан бандан тутиб, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қила олса, юқоридаги каби салбий ҳолатлар барҳам топган бўлармиди...

Н.ЭЛМИРЗАЕВА

Халқларни боғловчи кўприк

27 сентябрь — Халқаро Туризм куни

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти таклифига кўра, 1980 йилдан буён сентябрь ойининг 27-санаси сайёрамизда Халқаро Туризм куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Асосий мақсад давлатлараро муносабатларда туризмнинг ўрнига янада мустақамлаш ҳамда ижтимоий, сиёсий ва айниқса, иқтисодий аҳамиятини дунё ҳамжамиятига намойиш қилишдан иборат.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро агентлиги бўлиб, у қафолатли, барқарор ва ҳаммабоб туризмни ривожлантириш бўйича масъулдир. Туризм соҳасида етакчи халқаро ташкилотга айланган мазкур ташкилот туризмга иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири, инклюзив тараққиёт ва тинчлик гарови дея қарайди. Бу ташкилот туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини янада кучайтириш баробарида унинг салбий оқибатларини ҳам унутмаган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни ҳам ўз олдига муҳим вазифа қилиб қўйган. Ташкилот дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида туризм сиёсатини юритиб келмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотига қарийб 160 та давлат аъзолига қабул қилинган ҳамда хусусий секторда, таълим муассасаларида, маҳаллий туризм агентликларида унинг 400 дан зиёд филиаллари иш олиб бормоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг вужудга келиш тарихи 1925 йилга бориб тақалади. Чунки ўша йили Гага шаҳрида расмий сайёҳлик агентликларининг Халқаро Конгресси бўлиб ўтган эди. Ташкилотнинг раҳбар органи Бош Ассамблея номланади ва у ҳар икки йилда бир мартаба қабирилади, туризм секторини ривожлантириш ва бюджет масалалари муҳокама қилинади. Хар тўрт йилда бош котиб номзоди тасдиқланади. Бош Ассамблея таркибига ҳақиқий ва муҳбир аъзолар киритилади. Ассамблеяга бўйсунувчи Туризм этикаси бўйича кўмига халқаро муносабатларда меҳмонларни кутиб олиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш ва кузатиш билан боғлиқ мезоёрларни белгилайди.


Ўтган қарийб бир асрлик давр мобайнида туризмга бўлган эътибор ер шарининг барча қитъаларида сезилган даражада кучайди. Энг сўнгги маълумотларга асосан 2013 йил ҳолатига кўра, Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо давлатлар сони 156 тани ташкил қилмоқда.

Кўпчилик туризмни турлича талқин қилишга уринади, аммо туризм ўзи нима? Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризмга таъриф берад экан, уни қуйидагича изоҳлайди: "Инсонларнинг ўзлари яшаб турган ҳудуддан ташқарига бир йилдан кўп бўлмаган муддатларга вақтинчалик, бизнес ва бошқа мақ-

садларда амалга оширадиган сайёҳати туризм деб аталади". Туризм (tour) сўзининг асл маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, лотин ва грек тилларидан таржима қилинганда "айлана, халқа" маъносини беради. Бундан кўришиб турибдики, ҳаракат айлана атрофида содир бўлиши керак ва биринчи бошланган нуқтага албатта қайтиб келиши шарт, яъни англашилшича, бир жойдан иккинчи жойга доимий яшаш мақсадида кўчиб борган шахс турист ҳисобланади. Франциялик туризм соҳаси билимдонни А.Хулонинг таъкидлашича, туризм сўзининг келиб чиқиш тарихи қадимда Яқин Шарқ халқлари фойдаланган оромий ёзувларида битилган "тур" сўзига бориб тақалади.

Йил сайин туризм тобора оммавийлашиб бораётган бир пайтда 2000 йилларнинг охирига бориб, яъни 2008 йилнинг иккинчи ярмидан 2009 йилнинг декабригача давом этган жаҳондаги иқтисодий танглик ва Н1, N1 вирусининг дунё бўйича кенг тарқалиб кетиши туризмга салбий таъсир кўрсатди. Бирок бу жараёнлар узоққа чўзилмади, секин-аста дунё бўйлаб саёҳатчилар оқими жадаллашиб, халқаро туризмнинг мақви яна қайтадан тикланди. Ҳатто аввалги йиллардаги юқори кўрсаткичлар янгиланиб, 2012 йил давомида визалар асосида саёҳатга чиққан туристларнинг сони инсоният тарихида илк мартаба 1 миллиард нафардан ошди. Модомики, ер юзида истиқомат қилувчи одамларнинг ҳар етти нафаридан биттаси ўз юридан ташқарига саёҳат учун чиқиш имконига эга экан, бу албатта барчамиз учун кубонарли ҳол. Чунки қорни тўқ, усти бут, оиласи тинч, тани соғ одамгина саёҳат қилишга ўзида куч топа олади.

Халқаро туризмга 2011 йилда сарфланган жами маблағлар 1.03 триллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 3.8 фоизга пастроқ эди. Ўтган 2012 йили Хитой халқаро туризмга маблағ сарфлаш бўйича Германия ва Америка Қўшма Штатларини ортда қолдирган ҳолда жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Хитой резидентларининг истироҳат учун 102 миллиард АҚШ долларини мақдориди маблағ сарфлаганлиги гоятда ҳайратланарли. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш ўринли, Хитой ҳамда ривожланаётган Россия бозорларига эга бўлган Молия ва Бразилия каби мамлакатлар



ушбу йўналишга сарфланаётган ҳаражатлар миқдорини сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида сезиларли даражада оширишга эришди. Бундай натижалар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига қўлга киритилди.

Туризм кўплаб мамлакатлар ҳаётида бениҳоя катта ўринга эга ва баъзи ҳолларда ўта муҳим тармоқ саналади. Бу соҳа давлатларнинг ижтимоий, маданий, таълим ва иқтисодий сектори, хусусан, халқаро алоқаларни мустақамлаш учун ҳаётий аҳамият касб этишини биргина мисолда кўриш мумкин. Масалан, туризм дунёдаги барча мамлакатларни бирга қўшиб ҳисоблаганда ялпи хизматлар экспортининг 30 фоизини, ялпи товар ва хизматлар экспортининг 6 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, иқтисодийнинг хизмат кўрсатиш секториди, хусусан, авиаташуварлар, кема қатнови ва таксиларни йўлга қўйиш каби транспорт хизматлари, отеллари, санаторийлар ва курортларни ишга тушириш билан боғлиқ меҳмонхона хизматлари, истироҳат боғлари, савдо марказлари, мусикий дам олиш масканлари, театрлар қуриш орқали уларда кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш учун янги иш ўринларини яратиш заруратининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, туризмнинг ҳар қандай давлат иқтисодиётида нақадар катта имкониятлар эшигини очиб бера олишига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Ер юзиде туризмдан энг кўп даромад қиладиган 5 та давлатнинг номи Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан расман эълон қилинган, унга кўра биринчи ўринда Америка Қўшма Штатлари (йилига 126.2 млрд.\$), иккинчи ўринда Испания (55.9 млрд.\$), сўнгра Франция (53.7 млрд.\$), кейинги ўринларда Хитой (50 млрд.\$) ва Италия (41.2 млрд.\$) бормоқда. Энг кўп маблағ сарфлайдиганлар ҳам

деярли ўша давлатлар, биринчиси Хитой, иккинчи Германия, сўнгра АҚШ, кейинги ўринларда Буюк Британия, Россия, Франция, Канада, Япония, Австралия ва охириги ўринда Италия туради.

Туризмнинг ҳам бир неча турлари бор. Мисол учун, денгиз, кулиария, спорт, тиббиёт, архитектура, таълим туризми ва ҳоказо. Сўнгги пайтларда экотуризм атамаси ҳам жаҳон тилшунослиги лўғатида пайдо бўлиб қолди. Яқин йиллар ичида инсоният коинот туризмини ҳам кашф қилса, ҳеч ким ажабланмаса керак.

Туризм ҳақида гап кетганда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги имкониятлари ҳақида фикр юритмасликнинг иложи йўқ. Юртимиз Бутунжаҳон туризм ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунда ушбу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган мустақам алоқалар мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини ошириш, аждодларимиз қолдирган улкан маданий меросни кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Календарь ҳисоби бўйича 27 сентябрь "Ўзбектуризм" Миллий компанияси учун қўшалоқ байрам дейиш мумкин. Сабаби, бундан 20 йил муқаддам айнан шу кун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Ушбу фармон Ўзбекистонда тизимни жаҳон стандартларига мослаштириш, соҳанинг бошқарув механизмининг шакллантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга замин ҳозирлади. Ўтган йилги ма йил давомида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси томонидан "Шодлик-Палас", "Афросиёб-Палас", "Бухоро-Палас", "Гранд Бухоро", "Шаҳрисабз юлдузи", "Регистон" ва бошқа кўплаб халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган меҳмонхоналар фойдаланишга топширилди. Машҳур Регис-

тон майдонида 1994 йилда бўлиб ўтган конференцияда туризмни ривожлантириш тўғрисида Самарқанд декларацияси имзоланди. Орадан бир йил ўтиб, Бутунжаҳон туризм ташкилоти Тошкентда ҳар йили ўтказиладиган Халқаро туризм ярмаркасини таъсис этди. Ўзбекистон 24 та давлат билан ҳамкорликда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг "Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат" дастурида иштирок этиб келмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти ўзининг 1997 йили Истанбулда бўлиб ўтган 12-Бош Ассамблеясида компаниянинг халқаро майдондаги фаол иштирокини эътироф этиб, ташкилотнинг Франция ва Италия давлатларидан иборат таркибиде тузилган Ижроия Кенгаши аъзолигига Ўзбекистонни ҳам сайлаш таклифини ўртага ташлади. Ўзбекистонда туризм бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 2000 йили Тошкент давлат иқтисодий университетиде "Халқаро туризм" факультети очилди. Ҳозирги вақтда юртимизда 850 дан ортиқ ташкилотлар туристик фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, шулардан 340 таси меҳмонхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари ҳисобланади.

Бугун мамлакатимиз халқаро туризм бозориде ўз имижига эга. Бизда туризмнинг денгиз йўналишидан ташқари барча турларини ривожлантириш имкони мавжуд. Ҳар йили Ўзбекистонга 1 миллиондан ортиқ туристларнинг ташриф буюриши соҳанинг иқтисодийнингга нечоғли улкан фойда келтира олишидан далолат беради. Демак, дунё халқларининг қизиқиши тобора ортиб бораётган қадимий ва ҳамиша навқирон заминимизга меҳмонларнинг оқими келажақда янада кўпайишига шубҳа йўқ.

Фазлиддин РАХИМОВ

Сўранг, жавоб берамиз! Маслаҳат маркази

Маҳалла йигинлари қошидаги маслаҳат маркази ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз. Маслаҳат маркази қандай мақсадда ташкил қилинади ва унинг асосий фаолияти нималардан иборат бўлади?
Комилжон Нурсайдов, Яқкасарой тумани.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишига ҳақли. Маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йигинларига белгиланган тартибда бинолар беради. Тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йигини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун ўқув жараёнларидан бўш бўлган ўқув хоналарини бериб туриши мумкин.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим бериши, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Маслаҳат марказлари: тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодий, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади, шунингдек, уларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот беради;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлаштиришга, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, хунармандларга бириктирилишига кўмаклашади; тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади.

Маслаҳат марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жаҳонгир ҚОДИРОВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг масъул ходими

Ижара шартномаси

Яқин ўртоғимнинг аҳолига маиший техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ижарага олмақчи эдим. Менга бунинг учун ижара шартномаси тузишим кераклигини айтишди. Ижара шартномаси нима ва у қандай тузилади?
Шавкат Сандбеков, Чилонзор тумани.

Ижара шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексиде "Мулк ижараси шартномаси" тарзида номланган бўлиб, унга кўра ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 536-557-моддаларига мувофиқ, агар қонун ёки мулк ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади. Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин. Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъий назар ёзма шаклда тузилиши шарт. Кўчмас мулк ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарагаги ўтишини назарда тутувчи мулк ижарачи шартномаси бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади. Шартнома унда белгиланган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафини бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мол-мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топшириши лозими. Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчинининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўқсунлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарага ўз хоҳишига кўра, ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплаши талаб қилишга, ижарага берувчинин олдиндан огоҳлантирилган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қилишга, шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди. Мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, эскириши ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим.

Сирожиiddин БОБОҚУЛОВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

ОИТС узил-кесил енгиледи

БМТнинг ОИТС хасталиги бўйича қўшма дастури ижрочи директори ўринбосари Луис Лурес 2030 йилга келиб, одамзод ушбу хавфли хасталиқни батамом енга олиши мумкинлигини маълум қилди. Яъни, ушбу касаллик янги дори ва даволаш усуллари кашф қилиниши туфайли ривожланишининг эпидемиологик босқичидаёқ тўхтатилади.

Луреснинг сўзларига кўра, 20 йил олдин касалликни даволаш учун 20 миң доллар маблағ зарур бўлган бўлса, ҳозирда тиббиётнинг ривожланиши ва янги дори-



лар 150 долларга муолажа олиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, ОИВ инфекциясига чалинганлар касалликнинг дастлабки босқичидаёқ унинг авж олишига қарши зарур муолажаларни олишмоқда.

UNAIDS (БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури)нинг сўнгги маълумотларига кўра, охириги 10 йил ичида ОИВни юқтириб олиш бир йилда 20 фоизга, Жанубий Африка мамлакатларида 50 фоизга қисқарди. Шу билан бирга, ОИВ юқтирилганлари даволаш кўлами ўтган икки йил давомида 60 фоизга ошди.

— Биз учун ОИТСга осон чалинувчи заиф қатлам — гиёвандлар ва бошқа хавфли гуруҳлар билан тушунтириш ва даволаш ишларини олиб бориш муаммолигича қолмоқда, — деб қўшимча қилди Лурес. — Чунки, улар жиний жавобгарликка тортилишдан қўрқиб, шифокорлар ёрдамидан фойдаланиш истагини билдиришмайди.

Маълумот учун айтиш жоизки, ҳар йили уч миллион киши ОИВ инфекциясини юқтирмоқда ва ОИТСга чалинган 1,7 миллион одам ҳаётдан кўз юммоқда. 2011 йил якунига кўра, ОИТСга чалинган 34 млн. киши аниқланган бўлиб, улардан 69 фоизи Жанубий Африка мамлакатларида истиқомат қилган.

Бой бойга боқар, сув...

Калифорния университети иқтисодчилари, Оксфорд ва Париж иқтисод ўқув даргоҳлари манбаларига тоянган ҳолда АҚШнинг бир фоиз бой ҳамда камбағал аҳоли қатлами ўртасидаги номутаносиблик сўнгги юз йилда юқори чўққига чиқди, деб хабар беради Huffington Post газетаси.

2012 йилда америкаликларнинг атиги бир фоизи мамлакатдаги барча уй ҳужалиги маблағларининг 19,3 фоизини қўлга киритган. Бунгача эса, 1927 йил (Буюк Депрессия арафасида)да юқоридаги гуруҳ кўрган даромад 18,7 фоиз, яъни рекорд кўрсаткич саналган.

Аҳолининг энг бой қатлами 2012 йилда ўз даромадларини 20 фоизга оширган, қолганлар атиги 1 фоиз қўшимча маблағга эга бўлди. Айтиш жоизки, 2007-2009 йилларда кредит инқирозидан кўпроқ энг бой шахслар зарар қўришди. Уларнинг ишлаб топган маблағи 36 фоизга кескин тушиб кетди, қолганларнинг даромади бу даврда 11,6 фоизга камайди. Аммо 2010-2012 йилларда акциялар қийматининг ўсиши ва корпоратив даромадларнинг ошиши бойлар синфига мансуб аҳолининг бир фоиз қисмига ўз мавқелари ва турмушини тубдан яхшилаш имконини берди. Улар америкаликларнинг



жами қўшимча даромадларининг 95 фоизига эга чиқшди.

АҚШда бойлар ва камбағаллар даромадлари ўртасидаги тафовут 1930 йилларда, ундан кейин эса, Иккинчи жаҳон уруши туғандан сўнг иқтисодий ўсиш гуриқариши билан анча камайди. Айни мана шу палла фақуллодда кўп сонли ўрта синфнинг шаклланиш даври бўлиб тарихга кирди. Бирок 1970 йиллар якунидан тренд қарама-қарши тарафга ўзгарди. Ҳатто 1990 йилларда интернет-соноати ривож эндиғина авж олаётган иқтисодий юксалиш даврида аҳоли асосий қатламнинг даромади арзимоан маблағга (1993 йилдан 2000 йилгача 6,6 фоизга) ошган. Аксинча, бойлар гуруҳи эса тез суръатларда ўз даромадларини (86 фоизга) ошириб боришган.

